10 5 98

ТРАНСПОРТЛАР УЧУН СУЗГИЧЛАР

ТОШКЕНТ. «Компрессор» ҳиссадорлик жамияти германиялик ҳамкорлар билан трактор ва автотранспортлар учун мўлжалланган ёғ ва ҳаводан тозаловчи сузгич (фильтр)ларнинг дастлабки нусхаларини ишлаб чиқара бошлади.

Мазкур корхона ҳозирча ўзининг янги маҳсулотлари билан Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Шу боис уни нафақат қўшни республикаларга, балки хорижга ҳам экспорт қилиш имконияти мавжуд. Корхона жамоаси шу мақсадда бу йил ана шундай турдаги маҳсулотлардан 600 минг дона, келгусида эса талаб ва эҳтиёжга қараб бир миллион дона чиқармоқчи.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ

ХАЙРИЯ ТЎЙИ

АНДИЖОН. Пахтаобод туманидаги Пахтакор қишлоғида хайрия тўйи ўтказилди. ЎзХДП туман кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси, туман ҳокимлиги, ижтимоий таъминот ва маданият бўлимлари «Наврўз» хайрия жамғармасининг туман бўлими билан бирга 9 нафар фарзанднинг суннат тўйини ўтказишди. Шунингдек, Қ. Ҳожиматов билан Р. Умарова, А. Бўстонов билан М. Тошболтаева, Ф. Маматов билан Ж. Шералиеваларнинг никоҳ кечалари уюштирилди. Тумандаги қўшма корхона, фирма ва жамоа хўжаликлари ҳомийлигида ташкил этилган тадбир охирида ҳар бир тўйболага 1500 сўмдан ёзилган «Омонат дафтарчаси» тақдим этилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ХАБАРЛАР, ЎЗГАРИШЛАР

ЎЗ ШАКАРИМИЗ БЎЛАДИ

ХОРАЗМ. Хазорасп шакар заводини шу йил ёзда ишга тушириш мўлжалланган. Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида жаҳон андозаларига мос ускуналар ўрнатилмоқда. Йилига 50 минг тонна шакар ишлаб чиқарадиган корхона шу йил дастлабки маҳсулотини беради. Бунинг учун воҳада қанд лавлаги етиштириш муаммолари ҳал қилинмоқда. Деҳқонлар 8 минг гектар майдонда лавлаги етиштиришни мўлжаллашмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН

ИНСТИТУТ ЯНГИ БИНОГА КЎЧАДИ

НУКУС. Ажиниёз номли Давлат педагогика институти жамоаси Наврўз айёмида яна бир қувончли воқеанинг шоҳиди бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Темур Камолов институтнинг профессор, ўқитувчи ва талабаларини шодиёна билан табриклаб, илм маскани учун қуриладиган янги ўқув биноси пойдеворига дастлабки ғиштни қўйди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 2 апрель, пайшанба • № 40 (22.277).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТЛАРДА: қабул пайти.

С. ЗУФАРОВ, А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

1 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Корея Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ким Тхэ Сам ишонч ёрлиғини топширди.

Президент Ислом Каримов элчини шарафли вазифага тайинланганлиги билан қутлар экан, ўзбекистонликлар корейс халқини жуда яхши билишини, зотан мамлакатимизда бу миллатга мансуб кўплаб инсонлар яшаши ҳамда уларнинг барча билан баробар, елкама-елка туриб меҳнат қилаётганини таъкидлади.

— Ўзбек ва корейс халқлари ўзининг меҳмондўстлиги, меҳнатсеварлиги ва бошқа ажойиб хислатлари билан бир-бирига ўхшайди, — деди Ислом Каримов суҳбат чоғида. — Ўзаро алоқаларимиз ҳам узоқ даврларга бориб тақалади.

Давлатимиз раҳбари шарафли ва масъулиятли вазифасини адо этишда Ким Тхэ Самга муваффақият тилади.

КХДР элчиси икки мамлакат ўртасида муносабатлар равнақига ҳисса қўшиш имконияти туғилганидан мамнуният изҳор этиб, ўз миссияси даврида бу муносабатларни янада ривожлантириш учун барча куч-ғайратини ишга солажагини таъкидлади.

***

Шу куни Президент Ислом Каримовга Молдованинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Николае Осмокеску ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

Давлатимиз раҳбари шарафли вазифага тайинлангани муносабати билан Молдова элчисини қутлади ва Ўзбекистон билан Молдова ўртасидаги муносабатлар изчил ривож топиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

— Икки томонлама алоқалар зарур ҳуқуқий пойдеворга эга, — деди Президент. — Ўйлайманки, мамлакатимизда бошлаган миссиянгиз Ўзбекистон — Молдова муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлик алоқалари кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Н. Осмокеску икки томонлама муносабатлар равнақига, ҳар икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш учун барча имкониятларни ишга солишини қайд этди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимларида ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 апрель куни Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Бош котиби Бертран Дюфуркни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора ривож топиб бораётганидан мамнуният изҳор қилди.

— Мамлакатларимиз ўртасида очиқ ва самимий муносабатлар қарор топган, — деди Президент. — Нафақат сиёсий-иқтисодий, балки маданий соҳада ҳам алоқаларимизнинг тобора кенгайиб бораётгани эътиборга молиқдир.

Франциялик меҳмон қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор қилди ва Ислом Каримовга Франция Президенти Жак Ширакнинг шахсий мактубини топширди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Умар Исмоилов ҳамда ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Клод Ришар ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ВАТАН ХАРИТАСИ

Республикада пиллачилик соҳасини бошқаришни такомиллаштириш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш ҳамда соҳа корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида «Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Республика Президенти Фармон қабул қилди.

* * *

Президент Фармонига кўра, Лерик Ахметов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинланди.

* * *

«Устоз» жамғармаси томонидан ўтказилаётган «Америка таълим тизими тажрибалари ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлар фаолиятини ташкил қилиш» мавзуидаги семинар-кенгаш Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлашга қаратилган.

Семинарда қатнашган жамғарма томонидан хорижга, АҚШдаги Нью-Йорк университетига юборилади ва улар атрофлича тайёргарликдан ўтгач, кадрларни тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этишга хизмат қиладилар.

* * *

Буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва беназир олим, мунажжим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги муносабати билан ташкил этилган илмий экспедиция аъзолари хориж safaridan қайтиб келди. Бобокалонларимиз илмий меросини ўрганиш мақсадида йўлга чиқкан олимлар уч ҳафта давомида Туркия, Сурия, Иордания ва Миср Араб Республикасида бўлиб, ана шу алломаларнинг асарлари, улар ҳақидаги тадқиқотлар, рисолалар, китоблар билан танишиб, ўша мамлакатлардаги қўлёзмалар фондларида сақланаётган асарлардан микрофильм, фотонусхалар олиб қайтишди

* * *

Тошкентда «Ижтимоий фикр» журналининг илк сони чиқиши муносабати билан тақдимот маросими бўлди.

Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази таркибида «Ижтимоий фикр» журналининг ташкил этилгани мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутади.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди)

Арманистонда Президент сайловлари якунланди. Сайловларнинг иккинчи ҳал қилувчи босқичида овоз бериш ҳақидаги маълумотлар марказий сайлов комиссияси томонидан ўнлаб хорижий мамлакаталарга етказилди. Сайлов натижаларига кўра, бош вазир Роберт Кочарян овозларнинг 60,99 фоизини олиб ғалаба қозонди. Унинг рақиби, собиқ Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Карен Демирчян 39,1 фоиз овоз олди.

* * *

Кеча НАТО бош котиби Хавьер Соланинг Руминия ва Болгария бўйлаб уч кунлик сафари бошланди. У ҳозир Бухарестда туриб мамлакат раҳбарлари билан учрашмоқда. Кейин эса Софияга йўл олади. Ташрифдан асосий мақсад икки мамлакат президентлари — Эмиль Константинеску ва Пётр Стояновлар билан учрашиб, Босниядаги вазиятни муҳокама қилиш. Бундан ташқари «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида фаолият юритиш масалалари кўриб чиқилади.

* * *

Яқин кунларда БМТнинг етти агентлиги ва миссияси аъзолари Покистондаги афғон қочоқларини ўз юртига жўнатиш режасини амалга оширишга киришадилар. Бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти координатори Альфедро Виччи-Сестари матбуот конференциясида хабар қилади. Унинг айтишига кўра, бу иш тамоман ихтиёрий равишда амалга оширилади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун Япония ҳукумати 2,2 миллион доллар ажратган.

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг 23 март куни истеъфога чиқарилиши аввалдан режалаштирилган ва Президент сайловларини кўзлаб амалга оширилганди, деб ёзади «Независимая газета». Президент

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

лавозимига даъвогарлик қилаётган номзодларнинг бирортаси ҳам Кремлга маъқул бўлмаяпти. Геннадий Зюганов, Юрий Лужков ва Александр Лебедь Президентликка номзод бўлиб туришибди. 23 мартдан сўнг улар сафига Виктор Черномирдин ҳам қўшилди.

* * *

Толиблар авиацияси Афғонистоннинг Баглон вилоятидаги Пули-Ҳумри шаҳрига бомба зарбалари берди. Ахборот агентликларининг хабарларига кўра, уч аёл ва икки бола ҳалок бўлди. Стратегик жиҳатдан муҳим бўлган ушбу аҳоли пункти Қобулни мамлакатнинг шимолий қисми билан боғлаб туради. Қиши билан осойишта бўлиб турган Пули-Ҳумри шаҳрига толиблар ўтган чоршанба куни ҳужум бошлаган эдилар.

* * *

БМТ махсус комиссияси аъзолари оммавий қирғин қуролларини назорат қилиш ишларини давом эттиришмоқда. Айни пайтда улар Ироқдаги тўртта Президент объектини текшириб бўлишди. Жаянта Данапал дипломатик корпус раҳбари сифатида назоратчиларни кузатиб турибди. Бироқ у кўздан кечирилган объектлар ҳақида тўлиқ маълумотлар бергани йўқ.

* * *

Белфастда Ольстер бўйича тинчлик музокаралари қайтадан бошланди. Ушбу учрашувда Шимолий Ирландияга маъмурият ҳуқуқини бериш масаласи кўриб чиқилади. Учрашувда кўнгилдагидек натижаларга эришилса, Ирландиянинг жанубида ҳам, шимолида ҳам 22 майда референдум ўтказилади. Дублинда ўтказилган сўровларга кўра, ирландияликларнинг тўққиз фоизи референдум яқин кунларда бўлади, дейишди.

* * *

Грузияда мустақиллик эълон қилинган референдум ўтказилганлигининг етти йиллиги нишонланмоқда. Звиадчилар эса собиқ Президент Звиад Гамсахурдианинг туғилган кунини нишонлайдилар.

* * *

Марказий Осиёдаги хавфсизликни таъминлаш Афғонистондаги вазиятни юмшатишга кўп жиҳатдан боғлиқ, деди Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов.

БАНКДА ЖИНОЯТ ЮЗ БЕРДИ...

ОЛДИНИ ОЛСА БЎЛМАСМИДИ?

Барқарор тараққиётга эришиш устивор вазифа қилиб қўйилган Республика Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда юртбошимиз коррупция ўта хавфли иллат эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтдилар. Ушбу мақолада банк тизимида юз берган жиноят ва унинг оқибатлари ҳақида фикр юритилади.

Тубсиз жарликлар узра осилиб турган қоядаги лолани кўрганмисиз? Баъзан уни қон томчилаётган жароҳатга ҳам менгзашади. Жиноят ҳам — жароҳат. Кўйига банд этгач, қоядаги лола янглиг ўз комига тортади. У ёғи эса —пушаймонликнинг адоқсиз жарликлари...

Биз тилга олмоқчи бўлган воқеа ҳам шундай. Фақат тийиқсиз кўнгилларни гул эмас, пулнинг беҳуш қилувчи жилваси ўз ортидан эргаштирган эди, холос. Олма сув юзасига қалқиб чиққанидагина назарга илинади. Шу сингари бу воқеанинг очилиши ҳақида тахминлар сероб. Аммо, чигаллаштириб ташланган калаванинг ечилишига лобаргина талабанинг ҳаққига хиёнат қилингани сабаб бўлганлигини ҳамма ҳам билавермайди. «Калава чувалгандан чувалиб, банкдаги қаллобликларга олиб келади», дейди бу ҳақда Китоб туман ички ишлар бўлими бошлиғи Улаш Эргашев. Ўшанда у Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасининг коррупцияга қарши курашув бўлимида ишларди...

Гапнинг сирасини айтганда, кейинги вақтда вилоят ички ишлар бошқармаси фаолияти бот-бот танқидга учраётган эди. Аммо, улар очиб ташлаган вилоят хусусийлаштириш бошқармасидаги талон-торожчиларга боғлиқ жиноятлар теран моҳиятига кўра, хизмат шарафи даражасига кўтарилди. Чунки, милиция ходимлари узоқ вақт машаққатли изланишлар ва таҳлилларга дуч келдилар. Юзлаб гувоҳларнинг кўрсатмалари, хатшунослар далолатлари асосида вилоят ички ишлар бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича бош терговчиси, милиция подполковниги И.Садатов (бўлим бошлиғи И.Элмуродов амалий ёрдам берган) олиб борган жиноят иши юзага келди ва баҳор чақмоғидек айрим нафс бандаларининг юрагига сўнгсиз ваҳм бўлиб ёпирилди.

Жумбоқ гаплар етар.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодиёт Миллий банкининг Қашқадарё вилоят бўлими бошқарувчиси Ғайбулло Амирқулов ҳам, унинг қўл остида ишлаётган ходимлари ҳам бугунги кунда банк соҳасига қўйилаётган талаблардан яхши хабардор эдилар. Миллий пулимиз истиқлол неъмати, хорижий валюталар эса мамлакат хазинасидаги бойлик эканлигини ҳаммадан тузук англардилар. Фуқароларнинг пулларини хорижий валюталарга алмаштириб олиш эркинлиги ҳам — ҳуқуқий ва демократик тамойилларни юзага чиқараётган давлатимизнинг қонунлари асосида амалга оширилиши — уларнинг фаолият дастурига кирарди. Маълумки, бу жараён қатъий тартибга солинган. Шулардан бири – Республика Марказий банкининг 1995 йил 9 декабрдаги 177-сонли «Валюта алмаштириш шаҳобчалари ҳақида»ги Низомида тартибни бузиш, алоҳида ҳисобда турадиган «ф-391»-сонли далолатномаларни фуқаролар иштирокисиз тузиш қатъиян тақиқланган.

Миллий банк вилоят бўлими бошқарувчилигига 1992 йилда тайинланган Ғайбулло Амирқулов бу тартиб-қоидаларни писанд қилмади. Марказий банк белгиланган курс бўйича алмаштирилаётган хорижий валютанинг бозорларда пинҳона баҳоси 2-3 баравар юқори эканлиги, ошна-оғайниларга «холис» хизмат қилиш истаги хизмат бурчини суиистеъмол қилишга олиб келди. Бир ўзи ҳеч иш қила олмасди. Ёнига савдо ва носавдо жараёнлари бўлими бошлиғи Баҳодир Асроровни тортди. У эса бошқани. Шундай қилиб, банк бошқарувчиси бошлиқ, бўлим бошлиғи Баҳодир Асроров, мутахассис ва кассирлар – Ниёзмурод Шомалиев, Акбар Каримов, Зулфия Бўриева, Ёрқин Аҳматов, Ғайрат Саидов, Мойли Раҳимов, Суннат Алимардонов, Олимбек Эшмуродов, Фарҳод Абдуллаевлардан иборат 11 кишилик жиноятчилар гуруҳи вужудга келди.

Инсон ҳориганда нимагадир суянади. Жиноятчи ҳам шундай. Аммо, унинг таянганиби ўшлиқдир. Ҳар қандай важ қонун олдида омонат бўлиб қолиши тайин. Ғ.Амирқулов ҳам фош бўлгач, жиноятини рад қилишга уринган. Чунки, сохта ҳужжатларни у тузмаган-да. Аммо тергов давомида Ғ.Амирқулов бўлим бошлиғи Ғ.Асроров орқали кассага 2 миллион 595 минг 390 сўм миллий пулимизни қўйдириб 56750 АҚШ долларини олиб кетганлиги исботлаб берилди. Ваҳоланки, бу валюта фуқароларга берилиши лозим эди.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Раҳбар қаллобликка қўл урганч, бошқалар тийилармиди. Бўлим бошлиғи Ғайрат Асроров ҳам бошлиғидан ортда қолмаган. Кассирларга ноқонуний топшириқ бериб, 7550 АҚШ долларини ўзига алмаштириб олган. Бундан ташқари оғайниси Салоҳиддин Пармоновнинг ҳам «ҳожатини» чиқарган: кассага унинг 549165 сўм пулини қўйдириб, эвазига 11550 долларни қонунга хилоф равишда олишга йўл очиб берган.

Мутахассис ва кассирлар қонунни бузаётганлари, бошлиқларнинг кўрсатмаси бошларига қандай балоларни олиб келишидан ваҳимага тушиб яшаганлар, албатта. Аммо, вақт ўтаверган, ҳеч ким пишакларини пишт демаганидан кейин, дадиллашиб, ўзларига ҳам торта бошлаганлар. Тергов давомида кассирлар — Н.Шомалиев, А.Каримов, З. Аҳматов, Ғ.Саидов, М.Раҳимов, С.Алимардонов, О.Эшмуродов, Ф.Абдуллаевлар ҳам жами 9160 долларни ноқонуний равишда ўзлари учун алмаштириб олганликлари ҳам исботлаб берилди. Шундай қилиб, жиноятчи гуруҳ банк кассасига 3510065 сўм қўйиб, жами 75950 АҚШ долларини талон-торож қилганликлари фош қилиб ташланди.

Ҳар қандай ишнинг, жумладан, жиноятнинг ҳам сабаб ва оқибатлари мавжуд. Фуқароларга сотиш учун чиқарилган хорижий валютани ҳеч ким осонликча алмаштириб кета олмас эди. Биринчидан, валюта ҳисоб-китобли, иккинчидан, қатъий тартиблар белгиланган эди. Банкда илгари келган мижозларнинг паспортларида қайд этилган маълумотлар ва далолатномалар мавжудлиги қўл келган. Масалан, фуқаро Зуҳра Қазакова банкнинг ҳаво йўллари бўлимидаги кассасига 1995 йил 20340 сўм тўлаб, курс бўйича нархи 40 сўм 68 тийин бўлган 500 АҚШ долларини, ўша йилнинг 28 декабрида 13330 сўм тўлаб, курс бўйича нархи 40 сўм бўлган 310 АҚШ долларини алмаштириб олганлигини тушида ҳам кўрмаган. Унинг имзосини қўйиб, пинҳона жиноят қилишаётганда, ўз уйида, ҳаёт ташвишлари билан банд эди...

Худди шундай, «Мен 1050 долларни алмаштириб олганим йўқ», дея ҳайратга тушди фуқаро К.Халимов. «Мен ҳам 1600 долларни кўрган эмасман», деб рад этди фуқаро Х.Қодиров. Дарҳақиқат, далолатномани улар тузишмаган, имзолар ҳам сохта эди. Суд хатшунослик экспертизаси юзлаб сохта далолатнома ва қалбаки имзоларни ажратиб берди. Ушбу жиноий ишнинг айблов хулосасини Қарши шаҳар прокурори А.Амирқулов тасдиқлади. 1997 йилнинг 24 декабрида Қарши шаҳар судининг судья Х. Бобоқулов раислигидаги мажлисида уюшган жиноятчи гуруҳга нисбатан ҳукм ўқилди. Ғ.Амирқулов ва шериклларининг қилмиши ўз баҳосини олди. Гуруҳ бошлиғининг жинояти оғирлиги қаттиқ жазо тайинланишига сабаб бўлди. Одил судлов гуруҳнинг айрим аъзоларига енгиллик берди. Биз суд ҳукмига таъсир ўтказиш, баҳслашиш фикридан узоқмиз, албатта. Аммо тергов ва суд давомида ойдинлашмаган айрим масалалар олдида ўзимизни бурчли сезамиз. Масалан, банкка доллар ўрнига қўйилган 3,5 миллион сўмдан ошиқ пул қандай топилган? Валюта алмаштириб берувчилар кимларга (биттаси маълум) «хизмат» қилишган? Ва, ниҳоят, айримлар хаспўшлашга уринаётгандек, валюта алмаштириб бериш арзимас жиноятми?

Кўриб турибсиз, масала ниҳоятда мураккаб.

Уюшган жиноятчиликнинг мудҳиш башараси Қашқадарё вилоят Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасида миллион-миллион сўмлик тўлов воситаси-векселлар хомталаш қилинганлигида ҳам намоён бўлди. Муборак туман тайёрлов идорасида дон маҳсулотлари талон-торож қилинганлиги ҳам жиноятчилик илдизини қуритиш осон кечмаслигини кўрсатиб турибди. Иқтисодиётимизнинг асосий қон томири ҳисобланаётган банк тизимидаги нуқсонлар, айрим қонунбузарликлар ҳам озмунча эмас. Бундан бир йил бурун «Пахтабанк» Қамаши туман бўлими раҳбарлари жиноий жавобгарликка тортилган эди. Қаршидаги саноат-қурилиш банки шаҳар озиқ-овқат савдо ташкилотига тегишли маблағларни яшириб келгани вилоят хўжалик суди томонидан фош этилганлиги маълум.

— Буларнинг ҳаммаси назорат бўшаштириб юборилганлиги, «Банклар тўғрисида»ги қонун талаблари бузилаётганлиги туфайли юз бермоқда, — дейди вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Сайфулло Азизов. — Масалан, «Пахтабанк» Ғузор бўлимида мижозларга тегишли маблағдан уларнинг розилигисиз фойдаланилганлиги аниқланди. Яна бир қизиқ мисол бор. Нишон туманидаги «Оқ олтин» жамоа ширкат хўжалиги 1996 йилни 24 миллион сўм, 1997 йилни 44 миллион сўм зарар билан якунлаган. Энди эътибор беринг: ўтган йили нафақа ва иш ҳақи учун берилган маблағдан 80 минг сўми мукофот, 80500 сўми Наврўз байрами, 120 минг сўми транспорт ходимлари ва ўқитувчилар кунларини нишонлаш, 80 минг сўми ҳар хил кенгашлар, 35 минг сўми бепул озиқ-овқат учун ишлатилибди. Буни қандай шарҳлайсиз?

Бу маблағни чиқарган банк ходимлари қайси мақсадларига ишлатилганлигини назорат қилишлари керак эмасмиди? Нега бундай қонун бузилишларини аниқлаб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамаларига билдирмайдилар?

— Бу биз учун сабоқдир, — дейди Республика Марказий банки Қашқадарё вилояти бош бошқармаси бошлиғи Абдураҳмат Боймуродов. — 1997 йилда банклардан чиқарилган 36 миллион сўмдан ошиқ маблағ кўрсатилган мақсадлар учун ишлатилмаганлиги аниқланган. Бундай тартиббузарликларга йўл қўймаслик учун ходимлар ва раҳбар кадрларга нисбатан талабчанликни оширяпмиз...

Эндигина 6 ойдан буён бошқармага раҳбарлик қилаётган ва аҳволни ўзгартиришга астойдил уринаётган Абдураҳмат Боймуродовнинг ниятлари эзгудир. Аммо, иқтисодий жиноятлар банкларни ҳам четлаб ўтмаётган экан, ниҳоятда ҳушёр бўлмоғимиз даркор. Ва, ниҳоят, Ватан ва халқ тақдири, улуғ мақсадларимиз тақдири ҳақида ўйлар эканмиз, юртбошимизнинг ушбу сўзлари қулоғимиз остида жаранглаб турмоғи лозим: «... биз коррупция билан курашиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим. Чунки, коррупция амалга оширилаётган ислоҳотларни тўғридан-тўғри обрўсизлантириб унинг маъно-моҳиятига доғ туширмоқда...»

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АНДИЖОННИНГ ИБРАТ КУЧИ

Андижонлик пахтакорлар ўтган йили 70 минг гектар майдонда плёнка остига чигит экиб, янги усул афзаллигини намойиш этган эдилар. Бу йил вилоятда 110 минг гектар, яъни 100 фоиз пахта майдонларида шу усул қўлланилади

Андижонликлар тажрибаси мамлакатга керак. Андижон фидойилари, деҳқонлари бизга ана шундай йўлни кўрсатмоқдалар.
Ислом КАРИМОВ.

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда андижонликлар шижоат билан меҳнат қиляптилар. Янгича тафаккур-ла ташаббускорлик билан ишлаш қарор топмоқда. Чигитни плёнка остига экиш — «Андижон усули» тажрибаси бутун мамлакатга ёйилди. Зироатчиликда янги деҳқончилик мактаби яратилди.

Бундан уч йил аввал турли тупроқ шароитида 75 гектар майдонда янги усул тажрибаси муваффақиятли синалди. Ўртача ҳосилдорлик анъанавий усулда чигит экилган майдонларга нисбатан 11,8 центнерданга ошди. 1996 йилда бу натижа 12,8 центнерни ташкил қилди. Ўтган йили 70 минг гектар ерда ғўзалар янги усулда парваришланиб, самарали натижаларга эришилди. Плёнкали пахтазорларнинг ҳар гектари ҳосилдорлиги очиқ усулдагига қараганда 14 центнердан зиёд бўлди.

Андижонлик деҳқонларнинг қўллаётган янги усули пахтачиликда ҳосилдорликни оширишга хизмат қиладиган изланишларнинг самараси бўлди. Кўпчиликни «Андижон усули» тажрибаси қизиқтиришини эътиборга олиб, бу борада Андижон вилоятида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ҳикоя қилишга жазм этдик.

Янгилик йилдан йилга такомиллашиб боряпти. Буни ўтган йилга қараганда бу йилнинг кўкламида барвақт далага чиққан деҳқону механизаторларнинг меҳнати тасдиқлайди. Бири бирига туташиб кетган ҳаришаффоф либосли далалар кўрган кишининг эътиборини тортади.

Андижонлик деҳқонлар бу йил учун ўтган йилнинг кузидаёқ замин яратган эдилар. Барвақт ҳосили йиғиштириб олинган далалар плёнкадан тозаланиб, шудгорланди, пушта олинди.Эрта кўкламда бундай майдонларда чигитни плёнка остига экиш сифатли бошлаб юборилди.

— Ерни сифатли тайёрлаш пахтачиликда янги технологияни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартидир, — дейди Андижон вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг деҳқончилик бўлими бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Ўринбой Раҳмонов. -- Бу, кейинги уч йил давомида плёнка остида ғўза ундириб, мўл пахта ҳосили етиштириш тажрибасидан аён бўлди. Сифатли тайёрланган майдонларга чигитни экиш чоғида плёнка текис тўшалади.

Андижонликлар янги усулни пухта ўзлаштирганликлари экин- тикин чоғида жуда асқотяпти. Чигит экиш жадал, сифатли бажарилмоқда.

Тер тўкса ер, меҳр кўрсатса экин деҳқонни қувонтиради, дейдилар. Миришкорларнинг айтганларини Марҳамат туманидаги Т. Мирзаев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Йўлдош ҳожи Маҳмудов ва бошқа деҳқонлар билан дала кезиб қилган суҳбатимизда билиб олдик. Йўлдош ҳожи ака янгича иш бирданига бошланмаганлигини аниқ-тиниқ мисоллар билан ифодалади.

— 1996 йилда 450 гектар ерга чигитни плёнка остига экиш ҳақидаги қатъий хулосамни айтганимда ҳайрон бўлганлар ҳам топилди. Баъзилар кўпам катта кетманг, деган қабилида фикр билдиришга ҳам жазм этишди. Мен ишни бошлашдан аввал фаоллару деҳқонлар билан пухта режа тузганимиз учун иккиланмадим. Дадиллик билан чигит экишга киришдик. Ҳар бир агротехникани маромида бажаришга уриндик. Тажрибали деҳқону мутахассислар билан пайкал ораладик. Меҳнатларимиз самараси кузда ҳосил хирмонга тушганда билинди. Плёнкали пахтазорларнинг ҳар гектаридан 48,9 центнердан пахта йиғиштирилди. Плёнка остига чигит экиш ҳисобига ҳар гектардан очиқ усулдагига қараганда 21 центнердан кўп ҳосил олдик. Шундай пайтда санамай саккиз деб фикр айтганлар жимиб қолишди.

Асака тумани пахтакорлари ўтган мавсумда пешқадамлик қилдилар. Айниқса, «Навбаҳор» жамоа хўжалиги деҳқонлари давлатга пахта топшириш режасини кузнинг бошидаёқ (16 сентябрда) бажариб илғор бўлдилар.

Жамоа хўжалиги пахтакорларининг ютуғи меҳнат, изланиш ҳисобига келди. Хўжалик бошқаруви раиси Араббой Қаюмов ерга чигит тушгандан ҳосил йиғилгунча плёнка ёрдамида деҳқончилик қилишнинг талабларини амалга оширишда жонкуярлик қилди. Кўплаб хўжаликларда «Сожеан» препаратидан фойдаланишга иккиланаётганликларида режали иш юритилди. «Сожеан» ишлатилди.

Ҳаракатлар самараси хирмон салмоғида билинди. 907 тонна ўрнига 1234 тонна ҳосил топширилди. Режага қўшимча 325 тонна пахта йиғиб-териб олинди. Ҳосилдорлик плёнкали пахтазорларда 40 центнердан ошди.

Ўтган йиллардаги тажрибалар жамоа хўжалиги миришкорларига бу йил ҳам асқотяпти. Мавжуд 418 гектар ерга қулай муддатларда чигит плёнка остига экилди.

Ерлари вилоятнинг шимолий ҳудудида жойлашган Кўрғонтепа туманидаги «Қорасув» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Мадаминжон Исмоилов «Андижон усули» ҳақида деҳқончасига фикр юритди.

— Бизнинг шароитимизда бир гектар плёнкали пахтазорлардан очиқ ердагисига нисбатан ўртача 10 центнер атрофида кўп ҳосил йиғиштириляпти. Бир гектар ерга сарфланган плёнка баҳосини ва бошқа харажатларни чегириб ташласак, даромаднинг салмоғи аниқ бўляпти. Агар ҳар гектар ер ҳисобига ҳосилдорлик 10 центнер атрофида оширилса жамоа хўжалигимизга миллион-миллион сўм фойда келади.

Ўтган йили Шаҳрихон туманида пешқадам бўлган F. Жўраев номли жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил ҳам олдингилар қаторида бўлиш ҳаракатида ишлаяптилар. Эришилган натижалардан бу йил ўзиш ҳар бир меҳнаткашнинг кўнглидаги ниятига айланди. Дастлабки уруғ қадалган далаларда чигит униб чиқиб яратувчиларни хурсанд этаяпти.

—Чигитни плёнка остига экиш туфайли ғаллачилик борасида ҳам талай ютуқларга эришяпмиз, —деди Шаҳрихон туманидаги Т. Саримсоқов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ўрмонжон Бозорбоев. —Ғўзапоялардан барвақт тозаланган пайкалларга экилган буғдой ҳосилдор бўлиб туплайди. Ғўзапояси олинмасдан экилган майдонларга нисбатан кўп кўчат ўсади. Бундай шароит ҳам «Андижон усули»нинг шарофатидандир.

Андижонликлар деҳқончилик маданиятини юксалтириш, фан ютуқлари ва илғор тажрибалардан унумли фойдаланиш йўлини тутяптилар. Уруғчилик борасида дадил қадам ташланди. Мавжуд 110 минг гектар ернинг ҳаммасига туксизлантирилган чигит экиляпти. Мамлакатда биринчи бўлиб уруғлик чигитни Германиядан келтирилган «Пектус» русумли дастгоҳларда саралаш, сўнгра дорилаш ва жойларга махсус қопларда етказиб бериш жорий қилинди. Бундай ҳаракат натижаси ижобий самара келтириши турган гап.

Изланиш бор жойда янгилик қанот ёзади. Андижонда чигитни плёнка остига экиш тажрибаси амалиётга кўчгани деҳқончиликда янги, изчил тадбирларнинг ҳаётийлигини таъминламоқда. Ҳар бир қарич ердан самаралироқ фойдаланиб эртаги ва мўл ҳосил етиштириш йўли тутилаяпти. Иқтисодий ислоҳотларнинг амалга ошиши кўпчиликнинг кўнглига шижоат бахш этяпти. Деҳқон даласида келгуси ҳосил умиди билан яхши ниятда меҳнат қиляпти. Ишонч, умид яхши ниятандижонлик деҳқонларга йўлдош бўлмоқда.

Норбобо ШАКАРОВ,
Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари

***

СУРАТДА: Марҳамат туманидаги Т. Мирзаев номли жамоа хўжалиги раиси Йўлдош ҳожи Маҳмудов, бригадир Райимжон Аҳмедов, муҳандис Маъруфжон Муллажонов.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

Истиқлол. Ислоҳот. Имконият

Мустақиллик ва матбуот

КАТТА ҚАДАМ

Тан олиш марднинг иши, деган гап бор. Агар нокамтарликка йўймасангиз,,«Оммавий ахборот воситаларида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, ҳаётга танқидий-таҳлилий қарашни кучайтириш» мавзуидаги республика семинар-кенгашига таклифнома олганимда у менга ғирт расмиятчиликдек бўлиб туюлган эди. Ҳамишагидек қуруқ маърузалар, ҳамма биладиган гапларнинг узундан-узоқ қайтариқлари, матбуот вазифасини эпламаяпти, деган одатдаги танқидни ўзимча кўз олдимга келтириб ҳам қўйгандим.

Кенгашнинг биринчи куниёқ менинг бу борада адашганлигим маълум бўлиб қолди . Маърузалардаги кескин фикрлар музокаралардаги жўшқинлик билан қўшилиб ҳақиқий баҳс руҳини олди. Фақат нуқсонлар эмас, ўша нуқсонларни бартараф қилиш борасидаги реал таклиф ва мулоҳазаларнинг билдирила бошлангани кўпчиликни ҳаяжонга солган эди. Шунинг учун ўзаро муносабатларда баъзан англашилмовчиликлар ҳам учраб турди. Аммо, бу фақат ва фақат яхшиликка эди. Энг катта ютуқ — расмий чегараларни, фикрни бўғувчи симтўрларни бузишга бирмунча эришилгани.

— Аввало, «танқид» тушунчасининг ўзи бугунги ҳаёт тарзига эски либоси билан мутлақо тўғри келмайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот маркази раҳбари С. Ҳакимов. Чунки бугунги танқид шўро давридагидек кимнидир обрўсизлантириш, шармандa қилиш мақсадидан бутунлай йироқ бўлиши керак. Журналист ўз танқиди билан ечилмаётган муаммони ҳал қилишга ҳисса қўшсин. Ўз таҳлилий ёндошувида масаланинг эътибордан четда қолаётган жиҳатларини очиб берсин.

Бу фикрларни таниқли журналист Сафар Остонов жонлироқ мисоллар билан давом эттирди. Суд залига кира олмаган журналистларнинг мулзам аҳволига холис баҳо берар экан, бунда судьяларнинг айби борлиги турган гап, аммо, журналистнинг хатти-ҳаракатларини оқлаб бўладими, деган ўринли савол ташлади. Нега журналист ўз ҳуқуқи учун курашни давом эттирмайди?

Бир қарашда бу саволнинг жавоби тайиндек: «Ўз ҳуқуқларини билмайди-да!» Бу, албатта, бор гап. Аммо, масалага чуқурроқ кириб борсак, бошқа муаммоларга ҳам дуч келишимиз табиий. Аввало, суд залига кира олмаган журналистни бошқа идоралар «қучоқ очиб» кутиб олармикин? Балки, журналист мулзам бўлиб турган пайтда хаёлидан ана шу савол ўтгандир? Яна қатор эшикларда сарғайишини тасаввур қилиб боши баттар эгилгандир? Алал-оқибат, тинчгина уйига боришни, шу машмашаларга аралашмай қўя қолишни афзал билгандир. Ахир, таниқли олим, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Озод Шарафиддиновдек одам ҳам таъкидлаб ўтди, айрим раҳбарлар билан ҳатто телефонда боғлана олмай, бир эмас, бир неча марта сарсон бўлган. Уларнинг ўрнига доим котибалар жавоб бераверган. Энди, ҳали ҳеч ким танимайдиган, ўшанақа раҳбарлар назарида «кичкина» бир журналистнинг улар ҳузурига киришини тасаввур қилиб кўринг-чи.

Ҳа, аввало шунақа раҳбарлардан воз кечиш керак. Бунда эса уларни танқид қилувчи журналистни ҳимоя қиладиган бош муҳаррирларнинг ўрни беқиёс бўлади. Бироқ...

Йўқ, мен бизда бунақа муҳаррир топилмайди, демоқчи эмасман. Кўп нуқтага дуч келганимнинг бошқа сабаблари мавжуд. Ҳали мактабда ўқиб юрган пайтларим бобом раҳматликнинг бир гапларини кўп эшитганман. Ўзбекнинг ишига юз-хотир деган бало тўғаноқ бўлаверади, дерди у. Назаримда, ана шу юз-хотир муҳаррирларимизни қийнаб қўяётгандай. Масалан, танқидга учраши керак бўлган раҳбар бошқа бир раҳбарни танийди. У эса муҳаррирни, Оқибатда мақола чиқмайди. Журналист яна мулзам бўлади.

— Ўзингиз шуғулланадиган соҳа ҳақида қанча нарса биласиз, деган савол бериб кўрдим, — дейди Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси Хуршид Дўстмуҳамедов. Бу гаплар анжуманда қайта-қайта таъкидланган журналист ихтисослашуви муаммосининг аниқ ифодаси бўлди, десак ёлғон бўлмас. Агар журналист маълум бир соҳани танлаб олиб, ўша йўналишни чуқур ўзлаштирмас, унинг барча сир-синоатларию муаммоларидан атрофлича хабардор бўлмас экан, чуқур таҳлилга асосланган мақолалар ёзилиши қийин. Ҳамма мавзуда ёзадиган журналист аксарият ҳолда юзаки мулоҳазалар билан чекланиб қолаверади.

Умуман, ўз-ўзимизни танқидий таҳлил этишга интилиш, муаммоларни якка-якка эмас, ана шунақа катта йиғинларда ўртага ташлаб, биргаликда ечишга ўрганиш бир куни ўз самарасини бериши аниқ.

Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.



— ОББО, ТИРРАНЧА-ЕЙ, ЎЙЛАТИБ ҚЎЙДИНГ-КУ!

САВДОНИКИ — ҲАЛОЛ

Аслини олганда савдо ишлари, савдогарчилик ҳақида илиқ гапларни айтиш ҳам мустақиллик шарофатидан. Гап шундаки, илгари совет савдо тизими деб алқанадиган сўзларни тилга олиш ҳамма учун эриш туюларди. Савдо тизимида ишлайдими, демак у «ўғри», ҳаромхарижга берилган, ғирром ҳисобланарди. Асосан танқидий фикрлар айтишга изн бериларди. Мана энди, истиқлол берган неъматларга минг бор шукроналар айтиб, ота-боболаримиз амалга оширган савдо, савдогарлик анъаналарига содиқ ҳолда олди-берди одобига риоя қиляпмиз. Сирасини айтганда, савдогарчилик беҳаловат меҳнат, топгани ҳалол экани ҳақида кўпам ўйламаймиз.

Бозор иқтисодиётининг устувор тамойилларидан ҳисобланган хусусийлаштириш ғайрати бор инсонлар учун омад ва бахт келтиряпти, десак муболаға бўлмас. Пойтахтнинг Яккасарой туманида кўпчиликнинг оғзига тушган Муҳаббат Қосимова ҳам савдогарчилик йўлида эътибор топаётганлардан. Оилавий савдо сулоласини давом эттираётган бу опахон қарийб 40 йилдирки харидорлар хизматида. Қизлари Сурайёхон, ўғиллари Равшан билан Даврон-

Оила йили

беклар оилавий савдонинг фидойиларидан. Уч келиннинг меҳрини қозониб турган опахоннинг етти набирага бувижонлик қилаётгани ҳам шукроналикдан. Ҳамжиҳат оилада бамаслаҳат «Она Муҳаббат» фирмасини ташкил қилишда оила бошлиғи, тажрибали савдо ҳодими Маҳмуд Қосимовнинг хизматлари беназир.

— Савобни ҳар ким, ҳар куни қилиш керак, — дейди Муҳаббат опа. Маҳалла ёҳуд туман миқёсида ташкил этиладиган турли хайрли тадбирларга кўмаклашишдан кўнгиллар равшан топади. Топганимизнинг баракаси ҳам балки шундандир. Мустақиллик куни дунёга келган 10 нафар чақалоқни сарполар билан кутиб олиш қанчалар қувончбахш эканини тасаввур этиш қийин. Ҳокимлик томонидан уюштирилган еттита келинкуёвлар тўйига муносиб ҳисса қўшиш, шунингдек, етим болалар бошини силаб савобга доҳл бўлишга нима етсин. Бир сўз билан айтганда «Оила йили» ҳаммамиз учун қутлуғ келсин. Оллоҳим ишимизнинг ривожини берсин, тадбиркор сифатида эл хизматида бўлиш, ҳаммага ҳам насиб айласин.

А. ҲАМРОҚУЛОВ,
ЎзХДП Яккасарой туман кенгаши котиби.
М. ТОШМАТОВА,
партия ходими

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

ХДП хабари

Фарғона шаҳрида ЎзХДП Фарғона вилояти кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгашининг XVIII пленуми қарорларидан вилоят партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги, шунингдек, вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг ўтган йилги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи ҳамда бошқа масалалар муҳокама этилди. Кун тартибидаги масалалар бўйича ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Анвар Эгамбердиев маъруза қилди.

Пленум тегишли қарорларни қабул қилди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

БАДНАФС ҚЎЛГА ТУШДИ

Божхона бекати

Гарчи ўтиш даври қийинчиликлари мавжуд бўлса-да, дўконларимизда кундалик зарур моллар муҳайё. Узундан-узун навбатлар ҳам барҳам топиб бормоқда. Бироқ...

Ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаб, шу тўкинчиликдан турли йўллар билан фойдаланиб қолишга интилаётган баднафс кишилар ҳамон учраб турибди. Яқинда республика Давлат божхона қўмитасининг махсус навбатчи гуруҳи ва Тошкент вилоятининг «Бўстон» божхона пости ходимлари томонидан «КамАЗ» русумли автоуловлар тўхтатилганда 25000 кг шакар ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётганлиги аниқланди. Бу юклар 1974 йилда туғилган М. исмли ҳамюртимизга тегишли экан. Шу ўринда битта савол туғилади. Наҳотки, М. кўпчиликнинг ризқ-насибасини ўмариб, шунинг эвазига роҳатфароғатда яшашнинг ҳаромлигини, жиноятлигини билмаса? Йўқ, у буни жуда яхши билади. Аммо, халқимизда «Менинг нафсим балодир, ҳар кўйларга соладир», деган мақол ҳам бор-ку.

Ботир ҲУСАНБОЕВ,
Тошкент вилояти Божхона бошқармаси матбуот хизмати ходими

КОСОВО —

Асримизнинг сўнгги ўн йилликларида Европада ҳукм сураётган сиёсий барқарорликни кетма-кет силкитаётган Болқон ярим оролидаги кейинги нохуш воқеалар, хусусан, Босниядаги уруш ҳали эсдан чиқмасдан, минтақа тағин ларзага келди. Сиёсий вулқонлар макони бўлмиш Югославияда яна бир «вулқон» отилиб чиқди. Март ойининг биринчи якшанбасида мамлакат жанубида жойлашган Косово (Югославия Федерацияси таркибига кирувчи Сербия Республикасига қарашли ўлка)да истиқомат қилувчи албанлар гуруҳи билан Сербия полицияси ўртасида қонли тўқнашувлар рўй берди. Расмий маълумотларга кўра, Лишане қишлоғи ҳудудида пистирмада турган албан экстремистлари полиция патрулига қўққисдан ҳужум қилиб, миршаблардан тўрт нафарини ўлдириб, икки кишини ярадор этганлар. Албан жангариларидан 16 киши ҳалок бўлган. Сербия ҳукумати бу нарса кейинги икки ой давомида серб полициячиларига уюштирилган ҳужумлар учун масъулиятни ўз зиммасига олган «Косово озодлик армияси» (КОА)нинг иши, деб ҳисоблаб, унинг базаларини тугатишга киришди. Косоволик албанлар раҳбарлари воқеани бошқача талқин қилиб, расмий ҳокимиятни ички ишлар вазирлиги махсус кучларининг 10 та албан қишлоғига бостириб кириб, кўп одамларни қириб ташлашни уюштиришда айбладилар.

Кутилмаганда отилиб чиққан вулқондай теварак-атрофни ларзага келтирган ушбу воқеанинг бошланишига нима баҳона бўлганлигидан қатъий назар, у тез орада, сувга тош отганда пайдо бўладиган доираларга ўхшаб, кенгайиб кетаверди. Иккинчи март куни ўлка маркази Приштин шаҳрида тахминан 30 минг косоволик албанлар норозилик намойишларида иштирок этиб, миллий мустақилликни талаб қилдилар. Уларга қарши ташланган Сербия полициячилари намойишчиларни тарқатиб юбориш учун сув тўплари, резина таёқлар ва кўздан ёш оқизувчи газлардан фойдаландилар. Бунга жавобан айрим намойишчилар тартиб посбонларига қарата тошлар ва бўш шишаларни отдилар. Вазиятнинг назорат остидан чиқишига сал қолди. Яхшиям, ҳар иккала томондан кўрилган чоралар туфайли, 3 мартда ўтказилган «қонли якшанба»да ҳалок бўлганларни кўмиш маросими ур-йиқитга айланиб кетмади. Ҳозирги кунда КОА жангаларининг айрим ҳужумлари ва Сербия полициясининг террорчи бандаларга қарши зарбаларини ҳисобга олмаганда, ўлкадаги вазият бирмунча тинчиди.

Косово муаммоси қандай пайдо бўлди? Унинг олдини олиш мумкин эмасмиди? — каби саволларнинг туғилиши муқаррар. Маълум бўлишича, ушбу хавфли бинонинг пойдеворига биринчи ғишт бундан ярим асрча муқаддам қўйилган экан. Иккинчи жаҳон уруши тугалланиши арафасида айрим коммунистик раҳбарлар миясида урушдан кейин Болқон федерациясини (унга Югославия, Албания, ярим оролдаги қатор бошқа давлатларнинг кириши мўлжалланган) тузиш режаси туғилган. Уни амалга оширишни енгиллаштириш мақсадида Сербия жанубидаги Косовога (у республика ҳудудининг 12 фоизини эгаллайди) минг сон албанлар Албаниядан кўчириб келтирилган. Аммо, Сталин билан Тито, Белград билан Москва ва Тирана ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши уларнинг режаларини чипакка чиқарди. Косовода эса, албанларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб борди. Ҳозир ўлкада истиқомат

«Президент объектлари» текширилмоқда

БМТ назоратчилари ва хорижий дипломатлардан иборат гуруҳ Ироқнинг 8 та «Президент объектлари»дан тўрттасини текширди. Гуруҳ раҳбари Жаянтха Дханапалнинг айтишича, текширув ишларидан ҳар икки томон қониқиш ҳосил қилган, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

БМТ вакиллари бир неча кун мобайнида Ироқ Президентининг Радвания, Тикрите, Жебил-Маҳхуле ва Мосулдаги қароргоҳларини кўришади. Текширув ишлари кейинги ҳафтада тугалланиши кутилмоқда.

Саммит эртага бошланади

Япония ташқи ишлар вазири Кэйдзо Обутининг баёнот беришича, 3 апрель куни бошланадиган «Осиё-Европа» саммитида асосий эътибор Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларидаги иқтисодий бўҳрон масаласига қаратилади. У журналистлар билан бўлиб ўтган учрашув чоғида Япония ҳукумати мазкур муаммони бартараф қилиш учун молиявий бўҳрондан зарар кўрган мамлакатларга яқиндан кўмак беришга тайёр эканини айтди.

Маълумки, «Осиё-Европа»нинг биринчи саммити 1996 йилнинг март ойида Бангкокда бўлиб ўтган, унда Европа ва Осиёнинг 25 мамлакати давлат раҳбарлари иштирок этган эди.

Акс ҳолда битим бекор қилинади

Ироқ Австралия ҳукуматини ўз ҳарбийларини Форс кўрфазидан олиб чиқиб кетмаса, ўртада имзоланган «Нефтни озиқ-овқат маҳсулотларига айирбошлаш» битимини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантирди. Бу ҳақда Ироқ савдо вазири Мўҳаммад Маҳду Салоҳ баёнот берди. Маълумки, бир неча ой муқаддам, яъни Ироқ можаролари кескинлашган вақтда Австралия ҳукумати ҳам 200 нафар ҳарбийларини ушбу минтақага киритган эди.

Ҳозир Ироқ нефть эвазига Австралиядан катта миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари олмоқда. Икки мамлакат ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, Австралиядан Ироққа ҳаммаси бўлиб 140 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда буғдой келтирилади.

Европада энг узун кўприк

Португалия пойтахтида Европада энг узун ҳисобланган «Васко да Гама» кўприги фойдаланишга топширилди. Унинг узунлиги 17,2 километр бўлиб, Лиссабон билан Сакавем шаҳарларини боғлайди. Кўприкнинг очилиш маросимида мамлакат президенти Жорж Сампайю ва 1400 дан ортиқ фахрий меҳмон иштирок этди.

Кўприк қурилиши 1995 йилнинг февраль ойида бошланган эди. Уни барпо этишда 730 минг тонна цемент, 100 минг тонна пўлат ва 400 минг тонна махсус смола ишлатилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўприк ҳар қандай табиий офатларга бардош бера олади.

Брунейлик болаларга ёрдам

БМТ жаҳон озиқ-овқат дастури ташкилоти брунейлик 37 минг нафар оч-наҳор болаларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш тадбирини бошлади. Бир неча кун давомида мамлакат пойтахтига 600 тонна шакар, қуруқ сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилади. Улар БМТ назорати остида касалхона ва мамлакат ҳудудидаги озиқ-овқат марказларига тарқатилади.

Маълумки, бир неча йиллардан буён мазкур ҳудуддаги тутси ва хуту қабилалари ўртасида келишмовчиликлар давом этмоқда. Бунинг оқибатида кўплаб брунейликлар ўзи яшаб турган уй-жойларини тарк этиб, бошқа ерлардан паноҳ топган. Натижада қишлоқ хўжалиги ишлари издан чиқди, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш камайди, нарх-наво кескин кўтарилиб кетди. Халқ ўртасида очарчилик бошланди. Айниқса, болалар орасида очарчилик билан боғлиқ бўлган касалликлар кўпайди. Шу муносабат билан БМТ жаҳон ҳамжамиятининг нодавлат ташкилотларини брунейлик болаларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга чақирган эди.

РОССИЯ БОШ ВАЗИРГА ЁЛЧИЙДИМИ?

Сиёсий иқлим

Ўзбекистон афкор оммаси яқин кунлар ичида Россия пойтахти Москвада рўй берган сиёсий воқеалардан яхши хабардор. Истеъфо ҳақидаги фармон эълон қилинишидан икки кун олдин Ельцин ўзининг Горькидаги қароргоҳида Бош вазир билан учрашган ва у вақтда истеъфо ҳақида гап бўлмаган эди. Чамаси, Ельцин икки кун фикрни бир ерга жамлаб, чуқур мулоҳаза қилган ва Черномирдин бошлиқ ҳукуматни истеъфога чиқариш қарорига келган. Демак, Бош вазир билан учрашув Ельцинга сўнгги умид эди. У Виктор Черномирдин билан суҳбатлашиб, унинг режалари қандайлиги, мамлакатдаги қийин иқтисодий аҳволни бартараф этиш йўлида бирор жўяли амалий фикр-мақсади борми-йўқми — ана шуни билмоқчи бўлган кўринади. Бу учрашув чамаси Черномирдиннинг ҳамон иқтисодий бўҳронни бартараф этишга мажолсиз эканини яна бир бор кўрсатган.

Хўш, янгиси ким бўлади? Черномирдин истеъфога чиққан куннинг ўзидаёқ Президент ёнилғи ва энергетика вазири бўлиб ишлаётган Сергей Кириенкони Бош вазир вазифасини бажарувчи лавозимига тайинлади.

Россия ҳукумати халқдан қарзга ботиб ётибди. Тўланмаган ойлик маошларининг ўзи бир неча ўн триллион рубларда ҳисобланмоқда. Ҳар нечук, кучли ва буюк сиёсатдон бўлмаса-да, яхши ташкилотчи Виктор Черномирдин ҳам ўша қарзларни уза олмади. Энди Борис Ельциннинг бутун умиди янги тайинланажак Бош вазир, янги тузилажак ҳукуматда. Ельцин Бош вазир лавозимига Сергей Кириенконинг ўзини тайинлашга қарор қилди. Бу ҳақда ҳатто Давлат Думасига мактуб йўллаб, Кириенко номзодини тасдиқлаш ҳақида сўради. Шуниси қизиқки, ҳали Давлат Думаси бу суровномани рад этмай туриб, Президент парламентга пўписа қилиб, «Агар Дума Сергей Кириенко номзодини тасдиқламай, суровномани уч марта рад этадиган бўлса, парламентни тарқатиб юбораман», деб юборди. Кузатувчиларнинг фикрича, Ельцин бундай дейиши керак эмасди. Шунингдек, айрим сиёсатдонлар Сергей Кириенко Бош вазир лавозимига муносиб номзод эмаслигини қайд этмоқдалар. Бироқ Борис Ельцин янги Бош вазир «гаҳ» деса, қўлга қўнадиган одам бўлишини хоҳламоқда. Сергей Кириенко эса ана шундай мўминқобил Бош вазир бўлиши мумкин.

Нима бўлганда ҳам яқин кунларда Россия янги Бош вазирга эга бўлиши керак. Муҳими, Россия яхши Бош вазирга ёлчисин. Акс ҳолда, Виктор Черномирдин уза олмаган халқнинг қарзи давлат бўйнида осилганича қолаверади.

Хайрулло НУРИДДИНОВ,
шарҳловчи

Эндиги ташриф Лондонга

БМТ Бош котиби Кофи Аннан расмий ташриф билан Хитой пойтахтида бўлди. Икки кунлик ташрифи давомида мамлакат раҳбарлари билан учрашди, халқаро воқеалар юзасидан музокаралар ўтказди.

Ушбу сафар К. Аннаннинг Ироқ муаммолари юзасидан БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо мамлакатлар бўйлаб қилаётган сафари доирасида амалга оширилмоқда. У шу кунгача Вашингтон, Париж ва Москва шаҳарларида бўлди. Бош котиб Пекин сафаридан сўнг икки кунлик ташриф билан Лондонга боради.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон ва жаҳон

Тошкент архитектура-қурилиш институти олимлари хорижий мамлакатлардаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда кўплаб тадқиқот ишларини амалга оширмоқдалар. Уларнинг Германиядаги Веймар «Қурилиш уйи» университети билан илмий алоқалар ўрнатишганига беш йил бўлди.

— Бу нуфузли олий ўқув юрти Германиядаги бошқа илм-фан марказлари билан яқин ҳамкорлик қилишимиз учун пухта замин яратиб берди, — дейди Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорининг илмий ишлар бўйича муовини профессор Эркин Қосимов. — Фульда шаҳридаги «Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш» ўқув маркази ана шундай тадқиқот даргоҳларидан бири ҳисобланади. Ушбу ўқув маркази «Қурилиш уйи» университети билан биргаликда Самарқанддаги Шоҳи зинда мажмуасининг Шоди мулк ота мақбарасини таъмирлашга қаратилган махсус лойиҳани тайёрлади. Бунга Германия давлати маблағ ажратишга қарор қилди.

Ушбу илмий-амалий тадбир Самарқанд шаҳар ҳокимлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда. Ҳозирда Германиядан олинган грант асосида қурилиш архитектураси кафедраси профессор-ўқитувчилари тадқиқот ишларини ҳам бошлаб юбордилар.

Шу кафедра аспиранти В.Абдусаломов Германия халқаро илмий жамғармасининг голиби деб топилди. Бу иқтидорли ёш тадқиқотчи жамғарма йўлланмаси билан илмий ишларни давом эттириш учун яқинда Германиянинг Веймар шаҳридаги Архитектура-қурилиш университетига юборилди.

Бундай алоқа Германиянинг Штутгарт шаҳридаги Архитектура-қурилиш университети билан ҳам давом эттирилмоқда. Профессор Х.Убайдуллаев бошчилигида йўлга қўйилган бу хайрли иш ўзининг дастлабки самарасини берди.

Олий ўқув юртимизнинг яна қатор йирик олимлари саъй-ҳаракатлари билан ҳам бир қатор илмий тадбирлар амалга оширилмоқда. Профессор Б.Раҳимов бошчилигидаги бир гуруҳ олимларнинг Америкадаги «Хардест анд Ханновер» фирмаси билан ўрнатган алоқаси икки томон учун ҳам манфаатли бўлмоқда. Америкалик профессор У.Карелл ҳам шу илмий гуруҳ билан бамаслаҳат иш тутмоқда.

Малайзия Архитектура шаҳарсозлик ижтимоий институтида тадқиқотлар олиб боришда доцент Р. Салимовнинг илмий изланишлари қўл келмоқда. Машҳур «Огахон» жамғармасининг ташкилий ва амалий ишларида олимларимиз фаол қатнашаётганликларини ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Профессор Х.Салоҳиддинов эса шу жамғарманинг Ўзбекистондаги вакили этиб тайинланди.

Халқаро жамғармаларнинг махсус грантларини олишга муваффақ бўлаётган олимлар сони ортиб бормоқда. Профессор В.Лешченко, доцентлардан М.Зиёев, Р.Гимуш ва бошқалар грантлар асосида илмий тадқиқотларни бошлаб юбордилар.

Хорижий мамлакатлар билан илмий алоқаларимиз институтда тадқиқотлар қўламини янада кенгайтириш учун замин ҳозирлаб бормоқда.

Акбар АЛИЕВ

ПРАГА МАНЗАРАЛАРИ

Томас Драх ҳибсга олинди

Аргентина полицияси Интерпол томонидан қидирилаётган Томас Драхни ҳибсга олди. Немис миллатига мансуб бу жиноятчи Европанинг бир неча мамлакатларида гиёҳвандлик ва радиоактив моддалар савдоси, шунингдек, одам ўғрилаш билан шуғулланган. У 1996 йилда ўз шериклари билан германиялик бир ишбилармонни ўғрилаган.

Полиция маҳкамаси маълумотига қараганда, Аргентина пойтахтидаги Т. Драх яшаётган уйдан бир неча сохта ҳужжатлар ҳам топилди. Драх Интерпол рўйхатига киритилган 10 нафар энг хавфли жиноятчилардан бири эди.

ЯНГИ «ЯНГИЛИК»

Туяқуш табиатдаги ноёб парранда ҳисобланади. Чунки, туяқушлар сони борган сари камайиб боряпти. Лекин яқинда туяқуш гўшти лаззатли таомлигини бир гуруҳ хорижлик олимлар зўр бериб исботлашди. Бу янгилик тезда катта шовшувга сабаб бўлди. Албатта, олимлар бу жониворларнинг қолганларини ҳам қириб юборишдан мақсадида бу кашфиётни яратишмагандир.

Мисрнинг Ал-Исломия туманида махсус туяқуш жўжаси очириб, боқишга ихтисослашган паррандачилик фермаси, чет эллик мутахассислар тайёрлаган лойиҳа, аслида мўмай даромад манбаилиги аниқ.

Туяқуш фермасининг таърифи наинки Мисрда, балки, яқин Шарқ минтақасида танилиб қолди. Бу ерга ярим тайёр «маҳсулот» — туяқуш тухуми Намибиядан келтирилади. Ҳозирданоқ «туяқуш гўштидан лаззатли, муҳими, янги «янгилик» таом тайёрлаш мумкин» деган мақсадда нуфузли меҳмонларнинг ошхоналаридан пайдар-пай буюртмачилар фермага келишяпти.

Янгилик, аслида кони фойда демакдир. Фақат навбатдаги «янгилик» чиққач, у эскириши мумкин. Шунданам ишбилармонлар янгиликдан янгилигида фойдаланади-да.

БОЛҚОНДАГИ ЯНГИ ВУЛҚОН

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

қилувчи қарийб икки миллионли аҳолининг 90 фоизини албанлар, қолганларини, асосан, серблар ташкил этади.

Косово — Сербиянинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан камроқ ривожланган минтақаларидан. 70-йилларнинг иккинчи ярми — 80-йиллар бошларида бутун Югославияда рўй берган кучли иқтисодий, сиёсий ва миллатлараро бўҳрон Косовода янада кучлироқ бўлиб, миллий тус олди. Албанлар давлат идоралари ва корхоналарида ишлаш, болаларини серб мактабларига юборишдан бош тортдилар. Шундай вазиятда, Иосип Броз Тито 1974 йили Косовога мухтор ўлка мақомини берди.

Бироқ, мамлакатдаги воқеаларнинг кейинги ривожи — Югославия Социалистик Федератив Республикасининг парчаланиб кетиши, Босния ва Герцеговина, Македония, Словения ва Хорватияларнинг мустақил давлатларга айланиши ва ҳоказолар — Косоводаги аҳволга ҳам таъсир кўрсатди. Маҳаллий албанлар орасида ажратмачилик (сепартизм) тамойиллари жонланди. Бундан нақ ўн йил олдин Югославия раҳбарияти албанлар миллатчилиги Косовонинг ЮСФРдан ажралиб чиқишигача олиб келиши мумкинлигидан хавотирга тушиб, ўлкани мухторият ҳуқуқидан маҳрум қилдилар. Дардини ичига ютишга мажбур бўлган албанларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун кураши, вақтинча сусайган бўлса ҳам тугамади.

Босниядаги уруш оқибатида буюк серб давлатини бунёд этиш ғоясининг барбод бўлиши ҳамда қўшни Албанияда мамлакатни жар ёқасига келтириб қўйган ўнг партияларнинг, халқ кураши натижасида, ҳокимиятдан четлаштирилиши Косово албанларини уйғотиб юборди. Ўлкадаги сиёсий партиялар фаолиятини мувофиқлаштириш кучайди. Муросасиз миллатчилар тузган яширин «Косово озодлик армияси» фаоллашди. Ўлка «Косово Республикаси», деб эълон қилинди.

Сербиянинг жанубидаги воқеалар таҳлили шуни кўрсатаяптики, Югославия раҳбарияти бу ердаги аҳолининг кўпчилигини ташкил этувчи албанлар муаммоларига ўз вақтида жиддий эътибор бериб, кучга таяниш ўрнига, йиғилиб қолган ижтимоий-иқтисодий, маданий масалаларни ҳал қилса, ўлка мухториятини тугатиш эмас, балки уни мустаҳкамлаш чораларини кўрса, ҳозирги тангликнинг олдини олса бўлар эди.

Косово воқеалари жаҳон ҳамжамиятини жуда ташвишлантирмоқда. Бир неча йил давомида Босниядаги урушни тўхтатиш билан овора бўлган на Европа раҳбар доиралари ва на АҚШ ҳукумати янги Болқон уруши келиб чиқишини истайдилар. Чунки, можарога Албания ва аҳолисининг чораги албанлардан иборат Македония ҳам тортилса (хорижий матбуот хабарларига кўра) Албания ҳукмрон доиралари косоволик ватандошларига хайрихоҳ эканликларини яширмайдилар, бош вазир Фато Нано Косово албанлари раҳбари Иброҳим Ругова билан телефон орқали алоқа ўрнатди, республика парламенти эса Болқон ярим оролида тартиб ўрнатиш учун НАТО ёки БМТ қуролли кучларидан фойдаланиш зарурати туғилса, уларнинг мамлакат ҳудудидан фойдаланишига рухсат берувчи қарорни қабул қилди), унинг оқибатлари Босния урушидан ҳам даҳшатлироқ бўлиши мумкин. Шу боис, нуфузли халқаро ташкилотлар ва йирик Ғарб давлатлари Косовода жиддий портлаш юз беришини сезиб, унинг олдини олишга ҳаракат қилдилар. Чунончи, биринчи март воқеалари бошланмасдан бир неча кун илгари Югославия бўйича халқаро алоқа гуруҳи аъзолари Россиянинг Югославияга таъсири кучли эканлиги ва унинг мазкур гуруҳга киришини инобатга олиб, Москвада йиғилдилар. Унинг иштирокчилари, Косоводаги вазият ўта қалтислиги сабабли Сербия ва косоволик албанлар раҳбарларини низоли масалаларни музокаралар йўли билан ҳал қилишга даъват этдилар. Аммо, афсуски, ушбу оқилона даъват, қумга қуйилган сувдай изсиз қолди.

Косовода тўқнашувлар келиб чиқиши биланоқ халқаро ташкилотлар уни тезроқ тўхтатиш, учқуннинг алангага айланишига йўл қўймаслик пайига тушдилар. Воқеадан хабар топган Европа Кенгаши парламент ассамблеяси раиси Л. Фишер дарҳол можарони музокаралар ўзанига кўчириш лозимлигини таъкидлади. Европа Иттифоқининг ташқи ишлар бўйича комиссари Ханс Ван ден Брук Югославия президенти Слободан Милошевичдан Косово мухториятини тиклашни талаб қилди ва уни, акс ҳолда, ушбу давлатга нисбатан қўшимча жазо чоралари (санкциялар) кўрилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирди. АҚШ давлат департаменти вакили Жеймс Рубин, ўз навбатида, Югославиядаги ҳокимият албанларнинг қонуний талабларини қондирмаса, ушбу давлатга қарши қўлланилаётган халқаро жазо чоралари сақланиб қолинишини уқдирди. Америка президентининг Болқон ишлари бўйича махсус вакили Роберт Гелбард эса, низо қатнашчилари зудлик билан куч ишлатишдан воз кечишлари даркор. Бу, энг аввало, куч ишлатишга имконияти катта Югославия ҳукуматига тааллуқли, деб таъкидлади.

Айниқса, Европа Иттифоқига ҳозирги пайтда раислик қилаётган Буюк Британия ҳукумати бу масалада фаоллик кўрсатмоқда. Унинг ташаббуси билан Лондонда Югославия бўйича алоқа гуруҳининг шошилинч йиғилиши ўтказилиб, унда ушбу минтақада юзага келган вазият ва уни юмшатиш масалалари муҳокама этилди. Англия ташқи ишлар вазири Робин Кук Белград ва Приштинга ташриф буюриб, Югославия ва Косово албанлари раҳбарлари билан учрашди.

Босниядаги уруш даврида Сербия томонида турган Россия бу гал қийин аҳволга тушиб қолди: Югославия ҳукуматини сўзсиз қўллаб-қувватлашни давом этса, жаҳон жамоатчилиги назарида обрўсизланиб қолади, Косово албанлари ёнини олса, Белград хафа бўлади. Шу боис Москва «сих ҳам куймасин, кавоб ҳам» деб, Сербия раҳбариятини Косовода куч ишлатишга берилиб кетмасликка, албанларнинг маъқул талабларини қондиришга чақирди. Ўйлаймизки, Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаковнинг Белградга сўнгги сафаридан мақсад ҳам Югославия раҳбариятини музокараларни тезроқ бошлашга кўндириш эди.

Хуллас, жаҳон ҳамжамияти Косоводаги низода иштирок этаётган кучлар раҳбарларини муаммони тинч йўл билан ҳал этишга, бунинг учун ўзаро музокаралар олиб боришга кўндиришга ҳаракат қилмоқда. Расмий Белград террорчилар билан ҳеч қандай мулоқот бўлиши мумкин эмас, Косово муаммоси — Сербиянинг ички иши, демакки, у унинг доирасида кўриб чиқилиши ва сиёсий воситалар орқали, халқаро меъёрлар негизида ҳал этилиши керак, шунинг учун ташқаридан аралашувга эҳтиёж йўқ, деб музокаралар бошланишини пайсалга солмоқда. Лекин, жаҳон афкор оммасининг тазйиқи остида (Босниядагидек, можарога халқаро ҳамжамиятнинг аралашуви ва ўлкага НАТО кўшинларини киритиш, Югославияга қарши қўшимча жазо чораларини қўллаш мумкинлиги ва ҳоказолар) у музокараларга рози бўлиб ҳаттоки, ўлкага мухторият ҳуқуқи берилишини ваъда қилмоқда. Сербия Косовонинг тўла мустақиллигини тан олгандагина музокаралар бўлиши мумкин, деб ундан бош тортиб келаётган шу ерлик албанлар янги норозилик намойишларини ташкил этмоқдалар, КОА тўдалари полициячиларга қарши чиқишларини тўхтатмаяптилар. Музокаралар ўрнида 22 март куни Косовода ўтказилган парламент сайлови ва Косово демократик иттифоқи раҳбари Иброҳим Ругованинг президент этиб сайланиши масалани янада чалкаштирди. Югославия бўйича халқаро алоқа гуруҳининг 25 мартда Боннда бўлиб ўтган мажлисида музокаралар олиб борилишини бошлаш учун уларга тўрт ҳафталик муддат берилди. БМТ ХК бу ҳақдаги охирги қарори ҳам томонлардан музокараларни тезроқ бошлашни талаб қилади.

Башоратчилар Косовога доир музокаралар олиб борилган тақдирда, у ўлкага Сербия таркибидаги миллий республика мақомини беришга олиб келишини тахмин қилмоқдалар.

Бўлажак музокараларнинг қандай кечиши ва нима билан якунланишини олдиндан айтиш қийин. Лекин, фикримизча, унинг иштирокчилари Сербиянинг ҳудудий яхлитлигини тан олмасалар ҳамда Косово албанларининг талаблари қисман бўлса-да, қондирилмаса, ўлкада, демакки, мамлакатда, қолаверса, бутун Болқон ярим оролида мустаҳкам тинчликни ўрнатиб бўлмас. Муаммо охиригача ечилмай қолса, Косово мудраб ётган вулқонга ўхшаб, вақт-вақти билан фаоллашиб, минтақани, ҳаттоки бутун қитъани ларзага келтириши, турган гап.

Шундай экан, низога тортилган томонлар муроса йўлини тутиб, аҳлидрок юзасидан ҳаракат қилишлари, жаҳон ҳамжамияти эса, Косово муаммосини узил-кесил ҳал этиш учун фаоллигини бўшаштирмаслиги зарур.

Собир ҚУРБОНОВ

ҲАҚГЎЙНИНГ ҲАСРАТИ

Ҳа-зил

Дунёда рост гапирадиганлар кўпмикин ё ёлғончилар? Менимча, ёлғонни ростдек қилиб сўзлайдиганлар кўпроғ-ов... Масалан, ўзимдан бошласам, асли исмим — Ростан. Биров Достон дейди, бошқаси — Ростонбува деб юборади. Унча-мунча одамнинг тили келишавермагач, ўзимча отимни бошқа қўйдим: «рост»нинг синоними — «ҳақ» бўларкан. Ростан эмас, Ҳақгўй бўлдим-қўйдим!

Ҳақгўйга ҳамиша ҳақ гапларни айтиш имкони бўлса қанийди. Ҳақ гапни айтган онингдаёқ бўғиласан-қоласан. Ҳеч ким атай ёқангдан олмаса-да, вақтинг зое кетиши мумкин. Масалан, эрталаб ишга кетаётганимда кимдир ҳол сўраган бўлади:

— Ишлар қалай?

— Зўр! — деб қўя қоламан. Аслида унчалик зўр эмас. Кеча «қўл остимда» ишлайдиган бир тирранча пешгирлик қилди. Эшитишимча, тоғаси «катта»лардан экан... Кўнглим ғаш бўлса-да ҳолимни сўраганларга «зўр!» дея ёлғон сўзлаш маъқулроқ...

— Уйлар тинчми? — Кўнгил сўраган бўлади яна кимдир.

— Худога шукур, — дейман аслида ёлғон шукронамга худонинг ҳам номини «тиркаб». Кеча ишдан қайтгач, ожизам билан роса ғижиллашганмиз. Тилларимиз нақ болтаю тишларимиз аррага айланаёзган. Энди кеп-кеп кўчадаги кимсаларга жуфти ҳалолим ҳақида «ҳисобот» бергандан кўра бир чимдим бўлса-да, ёлғон сўзласам нима қипти?

— Соғлиқ қалай? — Тағин ҳол сўраган бўлади қайсидир танишим.

— Яхши, — деб қўяқоламан. Аслида, уч кундан бери кўкрак «қафас»имнинг икки-уч жойидан нина санчгандек чим-чим қилиб қуяётир. Ишқилиб, юрак дарз кетмаган бўлсин, дейман...

Ишхонам бўсағасида ўша маҳмадона ходимим ишшайиб кутиб олади-да юзингда кўзинг борми демасдан шартакилик қилади:

— А-ҳа, хўжайин, ўзлариям кеч қоптилар-ку?!

— Нима, сенга ҳисобот беришим керакми? — Зардам қайнаб кетди. Барибир, муросаи мадорани ҳам унутмайдиганлар хилидан эканимни намойиш этиб оғзимга келган ёлғонни қайтармадим. — Ҳокимликка чақиришган экан, ушланиб қолдим, бўлдими?

Ёш ходим негадир ишшайди-да қандайдир қоғозчани тутқазди:

— Марҳамат, шу рақамга сим қоқаркансиз!..

Биров-бировдан қўрқадиган замон бўлмаса-да номини эшитганда сал-палгина этингни жунжиктирадиган жойлар ҳам йўқ эмас-да. Ўшаёқдан юборилган «ташрифнома»даги рақамни тердим. Саломимга бениҳоя калондимоғлик ила алик олган «табаррук зот»га шундай ёлғон сўзлар айтиш «жоиз» эди:

— Сизни жуда ҳурмат қиламан. Сиз устозим, отамсиз...

— Биззи жиян қалай? — Чўрт кесиб сўради у.

Тилим ўзимга бўйсунмай қўйди: қўлидан бир тийинлик иш келмайдиган тирмизакни шунчалик мақтадимки... ўзим ҳам шу қадар «ноёб кадр»нинг қадрига етмаётганимдан афсусланиб кетдим...

Кечқурун бир алфозда уйга келсам, эрталаб дилимни хун қилиб юборган хотиним ясамароқ тиржайган кўйи шундай дейди:

— Жаа соғинтириб юбордингизу дадажониси...

Завжамнинг қувноқ кўзларига ҳар қанча тикилмайин, барибир, гапи рост-ёлғонлигини ажрата олмайман. Савол назари билан қараб турган юзига термулганча бўғзимдан шундай сўзлар отилиб чиқади:

— Мен ҳам жуда-жуда соғиндим...

Озроққина хордиқ чиқариш илинжида телевизорни қўяман. Тунов куни бир шоир билан бўлган учрашувни намойиш этяапти. Ия, савол бераётган ўзимнинг ўғлимми? Қани, эшитайлик-чи? «Умрингизда ёлғон гапирганмисиз?» О-ла, дейман. «Умрингизда рост гапирганмисиз?» — десанг тўғрироқ бўлармиди?..

Сўнг, чалқанча ётарканман, кунбўйи қанчадан-қанча ёлғон сўзлаганларимни бир-бир санаб саноғига етолмайман...

Ушбу қораламаларимни ўқиётиб бошингизни сарак-сарак қилмасдан Сиз ҳам виждонан айтинг-чи, кунбўйи айтадиган гапларингизнинг қанчаси ёлғон, қанчаси рост?

Ҳақгўйнинг ҳаққоний ҳасратини ҳижжалаб кўчирувчи Тўлқин ЭШБЕК

ТИЛ — ВАТАНГА ПОСБОН

Китоб — содиқ дўст

Таниқли тилшунос Низомиддин Маҳмудовнинг «Узимиз ва сўзимиз» рисоласини диққат билан ўқиб чиқсангиз ана шундай хулосага келасиз. Ва бу хулосангиз китобнинг ўқ илдизини ташкил этувчи асосий ғояни тўғри пайқаганингиздан далолат беради. Гарчи китобда тил ва жамият, тил ва миллат, тил ва шахс масалалари қамровли ва теран таҳлил қилинган бўлса-да, у услубан енгил, оммабоп илмий эсселардан таркиб топган. Муаллиф қўллаган бундай тадорик, айни пайтда, асосий мавзуни ижтимоиёт, фалсафа, психология, маданиятшунослик нуқтаи назаридан туриб ёритишга имкон берган.

Тил билан тафаккурнинг бирлиги, ўзаро тақозодорлиги, фикр фақат сўзда зуҳур бўлиши ҳақидаги қоидалар кўпчиликка маълум. Лекин марксча-ленинча фалсафада тилнинг миллийликка тан олингани ҳолда, тафаккурни миллийликни яқинлаштирилмасди ва у нуқул умуминсоний ҳодиса сифатида талқин қилинар эди. Рисоланинг «Она тили ва маънавият» бобида бу масалага алоҳида диққат қаратилган. Чунки, миллий тафаккур тарзи мавжудлигини тан олиш ҳар бир инсон учун она тили мавқеини бошқа тиллар олдида нақадар юксакликка кўтаради. Дунёни билиш, оламни идрок қилиш она тили воситасида рўй берса, инсоннинг руҳияти, онги миллий моҳият билан пойдор бўлади. Шунинг учун ҳам фарзандларимизнинг жисму жонига энг аввало она тилимизни — бой ва сержило ўзбек тилини сингдириш эътиқод даражасига кўтарилиши лозим.

Муаллиф ўртага ташлаган фикрларини нафақат дунёга машҳур тилшунослар, балки, табиатшунос олимларнинг назарий қарашлари, илмий кашфиётлари билан далиллайди. Хусусан, Токио университетининг тиббиёт профессори Таданобу Цунонинг энг замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиб, олиб борган тажрибалари айни бир товушни, масалан, олмон, фаранг ёки инглиз мардуми миясининг чап ярим шаридаги марказлар билан қабул қилса, япон мардуми уни миясининг ўнг ярим шаридаги марказлар билан қабул қилишини исботлаган. Яна шуниси борки, тили япончада чиқмаган 20 нафар япон эмигратлари устида ўтказилган тажриба уларнинг барчаси ғарбликлар каби идрок механизмига эга эканлигини кўрсатган. Бундан Т. Цунода «Болаликдан эгалланган она тили ҳар бир этник гуруҳнинг ўзига хос, бетакрор маданият ва руҳий оламининг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқдир» деган хулосага келади.

Н. Маҳмудов бу фикрни янада ривожлантириб, она тили таълимини такомиллаштириш, ёшларимизни теран мантиқ ва чечан нутқ соҳиблари қилиб тарбиялаш, жамиятнинг ҳар бир аъзосида давлат тилимизнинг қадру қимматини баланд тутишга бурчдорлик ҳиссини камол топтириш маънавий-маърифий ислоҳотларимиз муваффақиятининг гарови эканлигини таъкидлайди.

Тилда миллатнинг зийнати ва табиати ўз ифодасини топади. Ўзбек тили ўзбек миллатининг руҳиятини аллаловчи муҳит, бирлигини таъминловчи омил, санъатининг дояси ҳисобланади. Миллат тилининг равнақи унинг илмий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий юксалишидан дарак беради. Миллий онгнинг шаклланиши ва тараққиёти, миллий ўзликни англаш ҳам она тили орқали содир бўлади. Шунинг учун ҳам истилочи зоти борки, тилимизга тажовуз қилиб келган, уни обрусизлантиришга, тилни ердан чиқариб, ўзлигимизни барбод қилишга уринган. Халқнинг руҳиятини сўндириб,уни ҳамиятсиз оломонга айлантириш пайида бўлган.

«Хайриятки, истиқлол тилимиз ва дилимиз тугунларини ечди», — дея ёзади муаллиф. Айни пайтда Истиқлол қалб инқилобини талаб этмоқда. Юрақдан мутелик ва қуллик руҳиятини сиқиб чиқармасдан туриб, ўзлигимизни англаб етмасдан туриб, маънавий покланиш ва равнақ поғонасига кўтарилиш маҳол.

Зеро, она тилимизни эъзозлаш миллатимизни улуғлаш ҳисобланади, она тилимизга садоқатимиз халқимизга, озод Ватанимизга, муаззам Истиқлолимизга меҳру ихлосни тарбиялайди.

Шундай экан, миллий бирлигимиз ва борлигимизнинг азалий ва абадий рамзи бўлган ўзбек тилининг тозалиги, гўзаллиги, қудрати ҳақида қайғуриш барчамизнинг ватанпарварлик ишимиздир.

Китобдаги «Тил нуфузи — эл нуфузи», «Рост ва расо сўзлар», «Сўз ва соз», «Узлик илми ва ўзбек фильми» сингари мақолаларда она тилимиз нафосат имкониятлари, товланишлари, обру-эътибори, тақдири хусусида билимдонлик ва куюнчаклик билан фикр юритилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Низомиддин Маҳмудовнинг ушбу рисоласи ўткир илмий зеҳн ва жўшқин ижодий эҳтирос мевасидир. Китобдаги кўплаб фавқулодда топилдиқ иборалар, мантиқан теран қўйма сарлавҳалар муаллифнинг ижодий маҳорати ва имкониятларидан далолат беради.

Абдусалом УМАРОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

ОМОНАТ ДАФТАРЧАСИ
СБЕРЕГАТЕЛЬНАЯ КНИЖКА

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки

1998 йил

«ОИЛА ЙИЛИ»

деб эълон қилиниши муносабати билан жорий йилнинг 1 мартидан

«ОИЛА»

пул-буюм ютуқли

ЯНГИ ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бу омонат тури бўйича Сиз «NEXIA», «TIKO», «DAMAS» енгил автомобиллари, «DAEWOO» рангли телевизори ва видеомагнитофонлари, «СИНО» музлатгичи, 2х3 ҳажмдаги гиламлар ҳамда қандил ва шунга ўхшаш бир қатор замонавий уй анжомлари ва пул ютуқларини ютиш билан бирга, қўшимча равишда фоиз даромадларини ҳам оласиз.

«ОИЛА» пул-буюм ютуқли омонати бўйича ҳисоб варақаларини Халқ банкининг исталган туман бўлимида очишингиз мумкин.

«ОИЛА» пул-буюм ютуқли омонати Сиз орзиқиб кутган омонат туридир!

Сиз ютган ютуқ ва олган даромадингиз оилангиз кўрки бўлишида Халқ банки омад тилайди!

Маълумотлар учун телефонлар: 78-53-63, 78-29-45, 173-86-80.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатағонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Юсуф БЕКМУРОДОВ,
навбатчи Абдумалик БОБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 36.136 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 01119

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб борамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, қуйидаги анкетани тўлғазиб, газета саҳифасидан қирқиб, бизга жўнатинг:

Фамилияси *Хаитмалиев*

Исми *Суюндик*

Отасининг исми _____

Қачон, қаерда туғилган *15. 04. 1897 йил Самарқанд вил. Фориш тум. Болобон қишлоғи*

Ҳозир қаерда яшайди *Жиззах вил. Пахтакор тум. Самарқанд хўж.*

Узоқ умр кўришнинг сири *Фориш тоғининг* (қисқа баён этилади) *пуеафдо ҳавоси ва жисмоний меҳнат*

Юз ёшнинг хулосаси *Хуреандчилик билан* (қисқа баён этилади) *умр кечириш, меҳнатдаш барқарорлик*

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнгида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

СПОРТ

«БИРИНЧИ ТАЙМ»ДАН КЕЙИН

Футбол тасодифларга бойлиги билан миллионларни ром этиб келмоқда. Мамлакатимиз футболи тарихида ҳам бундай бетакрор воқеалар кўп бўлган. Балки, ёшлар қачонлардир пойтахтимизнинг эски шаҳар ҳудудида «Спартак» ўйингоҳи бўлганини эслаша олмас. Ваҳоланки, севимли «Пахтакор» жамоасининг саргузашти шу ўйингоҳдан бошланган. Шунинг учун бўлса керак, яқинда «Киночилар уйи»да қўйилган, футболимиз тарихига бағишланган «Биринчи тайм» ҳужжатли фильмининг бошланма намойишига қизиқувчилар кўп бўлди. Ишқибозлар футболимиз ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган А.Азизхўжаев, Б.Абдураимов, Л. Любушин, В. Қаҳҳоров, Б. Иброҳимовларга бақамти келдилар. Футболчиларимиздан Г.Красницкий, М.Шарипов, Ҳ.Раҳматуллаев, Ю.Беляков, И.Тазетдиновларнинг номларини ҳурмат билан тилга олдилар. Фильмда суратга олинган «Пахтакор» жамоасининг авиаҳалокати, марказий ўйингоҳ қурилиши ҳақидаги лавҳалар катта қизиқиш уйғотди. Фильм муаллифи Т.Юнусов, режиссёр Ш.Қурбонбоев, тасвирчи О.Ризаевлар меҳнатига миннатдорчилик билдирилиб, спорт қўмитасининг муносиб совғалари билан тақдирланди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Тошкент шаҳрида жойлашган «ЭКАС» масъулияти чекланган жамият **ТУГАТИЛАДИ**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқарувчи

«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жараёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Иккиламчи майдаланган, бойитилмаган

КАОЛИН

«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугунги кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.

КВАРЦ ҚУМЛАРИ

0,04-2,5 мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.

«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц қумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида

СОТАДИ.

Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришида ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хоҳласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700011, Марказ-14, 27-уй.
Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05, факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.
«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга таклиф этади.